

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВА НИГОРА ДАДАХОНОВНА**

**БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАРДА КАСБИЙ-МАЪНАВИЙ**  
**ФАЗИЛАТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Аҳмедова Нигора Дадахоновна**

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни тарбиялаш тизимини  
ривожлантириш.....3

**Аҳмедова Нигора Дадахоновна**

Развитие системы воспитания профессионально- духовных качеств будущих  
врачей..... 29

**Ahmedova Nigora Dadakhonovna**

Development of the system of education of professional-spiritual qualities of future  
Doctors ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works ..... 59**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВА НИГОРА ДАДАХОНОВНА**

**БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАРДА КАСБИЙ-МАЪНАВИЙ**  
**ФАЗИЛАТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В 2019.4. PhD/Ped1149 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Азимова Зиёда Эргашевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Эркабоева Нигора Шерматовна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Қуронов Муҳаммаджон Қуронович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD 03/04.06.2020. Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй, Тел.: (99869)227-06-12; факс: (998)69-227-07-61"; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316 уй, Тел.: (99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.Т.Турғунов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси п.ф.д., профессор

**И.И.Солиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

**Т.А.Эгамбердиева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ривожланган мамлакатлар тиббий-педагогик парадигмаларида шифокор деонтологияси ва ахлоқига бағишланган кўплаб халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. “Женева қасамёди”, “Тиббий ахлоқнинг халқаро кодекси”, “Хельсинки-Токио декларацияси”, “Сидней декларацияси”, “Тиббий таълим бўйича Жаҳон Федерациясининг Эдинбург Декларацияси” шулар жумласига киради. Уларда биринчидан, жамият томонидан белгиланган, касбий мақсадларга эришиш учун одамлар онгида умумий баҳо-императив интилишларининг ифодаси мавжуд; иккинчидан, кадриятлар ва қиймат йўналишлари дунё субъекти томонидан акс эттирилган шахсий маънолар тизимини ўз ичига олади.

Шахсининг касбий маданияти, касбий ахлоқи бевосита унинг касбий маънавияти билан белгланади. Шу туфайли ушбу тушунчаларнинг ўзаро диалектик алоқалари уларни узвий равишда тадқиқ қилишни тақозо қилади. Жаҳон илмий адабиётларида, ушбу ижтимоий педагогик муаммонинг айрим қирралари маълум даражада ўрганилиб, уни ҳал қилиш усулларини топишга қаратилган тажриба тўпланган. Бироқ муаммонинг бўлажак шифокорлар касбий маънавияти билан боғлиқ жиҳатлар кам ўрганилгани боис масаланинг касбий маънавият, касбий ахлоқ ва касбий маданият уйғунлигидаги назарий жиҳатлари алоҳида ўрганишни талаб қилади.

Олий тиббий таълим-тарбиянинг асосий вазифалари қаторида талаба-ёшларда касбий-маънавий фазилатлар, компетенцияларни шакллантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда мутахассисларни касбий тайёрлашнинг илмий ва технологик даражасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, кейинчалик жамиятни маънавий ва ахлоқий соғломлаштириш жараёнларини, уларнинг ижтимоий-ахлоқий йўналишини, ахлоқий ғоялари ва ахлоқий тамойилларини шакллантириш ва ривожлантиришни белгилай оладиган мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шакллантирилган касбий-маънавий фазилатлар комплекс асосда ривожлантирилиб, келажакда жамият ҳаётига самарали таъсир ўтказиши учун бу фазилатларни узлуксиз, олий таълим ва тарбия уйғунлигида амалга оширилиши таъминланади.

Ўзбекистоннинг «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ғояси олий таълимга жамият тараққиётини ривожлантириш, модернизациялаш билан боғлиқ бўлган янги, юқори талабларни қўймоқда. Бу нафақат юқори касбий маҳоратга эга, балки юксак шахсий, маънавий ва ахлоқий салоҳияти билан ажралиб турадиган мутахассисларнинг янги авлодини етиштириш ижтимоий барқарорликни, маданий ўзига хосликни ва жамиятнинг маънавий ривожланишини тиклаш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштиради. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ёшларни маънавий-маърифий юксалтириш»<sup>1</sup> йўналиши

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

белгиланиб, бу борада талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатларини, малакаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги пандемия шароитида замонавий шифокорлар маънавиятига қўйилаётган юксак талабларнинг ошаётгани, бўлажак давлат хизматчилари, хизмат кўрсатиш, умуман, ижтимоий соҳалар ходимларининг маънавий-ахлоқий тафаккур савиясини ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган талаблар билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017 сон “Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.**

Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Талаба-ёшлар тарбиясининг назарий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ғоявий, социологик жиҳатлари З.Э.Азимова, Ш.А.Акрамова, А.Д.Аллияров, Ў.Алеуов, Ю.М.Асадов, Н.М.Эгамбердиева, М.Бекмуродов, М.Жакбаров, М.Қаҳҳорова, Г.Ж.Туленова, М.Қуроноов, О.Мусурмонова, Қ.Назаров, Ш.Мустафаев, У.Маҳкаммов, З.Қосимова, Қ.Куранбоев, Г.И.Махмутова, Б.Ходжаев, Т.Ўтебаевларнинг ишларида атрофлича ёритиб берилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бўлажак тиббиёт ходимининг касбий йўналтиришнинг тиббиёт коллежи ўқувчиларида касбий компетентликни шакллантириш масалалари Ю.Э.Раҳимова томонидан тадқиқ қилинди. Психолог Г.Д.Кулдашевнинг тадқиқотлари эса тиббиёт институти талабалари ўқув фаолияти мотивациясини ташхис қилиш масалаларига бағишланган. Бу борадаги ишлар сирасида 2014 йилда А.Усмонхўжаевнинг «Тиббиёт ходимлари маънавияти» қўлланмаси ҳам алоҳида ўринга эга. Шунга қарамай, мамлакатимизда маънавият, миллий ғоя масалалари тобора долзарб аҳамият касб эта бораётганига қарамасдан, мустақиллик йилларида тиббий олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассис-шифокорлар

маънавияти муаммосини ўрганиш ва такомиллаштириш алоҳида ижтимоий педагогик муаммо сифатида тизимли равишда ўрганилмаган.

МДХ олимларидан В.А.Сластенин, В.Н.Максимова, Н.Д.Никандров, И.Б.Котова, Е.Н. Шиянов ва бошқаларнинг тадқиқотларида педагогик жараёнда шахс мотивлари, туйғулари, идеаллари, ўз касби, ишига касбий идентификацияни кучайтириши таъкидланади.

Педагогика фанида тарбия маданий идентификациялашуви, ижтимоий мослашувининг педагогик бошқарилувчи жараёни, шахснинг ижодий иқтидорларини очиш, йўналтириш сифатида А.Г. Асмолов, М.Н. Берулава, С.Л. Братченко, Б.З. Вульф, К.В. Гавриловец, Л.И.Новикова, Н.Л. Селиванова каби олимлар томонидан талқин қилинади. Тарбия феноменини бундай тушуниш касб-хунар соҳасида касбий тарбия шаклида акс этади.

Тиббий норматив компетенциялар билан биргаликда, юксак касбий фазилатларга эга шахс сифатида тайёрлаш бугунги кунда А.А.Петрованин умумий амалиёт шифокорининг этнопедагогик маданиятини ўрганиш, О.В.Денисованин шифокор касбий идентификаторининг психологик механизмларини ўрганиш, Л.В.Мурзагалинанин олий таълим муассасасида шифокорнинг касбий идентификациясининг шаклланиши, Л.В.Богданованин бўлажак шифокорларни коммуникатив тайёрлаш масалаларига бағишланган ишларида ўрганилган.

Таҳлиллар асосида маълум бўлдики, юқоридаги тадқиқотларда бўлажак врач-шифокорларнинг касбий маънавияти, маънавий фазилатлари масаласи яхлит ўрганилмаган.

Мавжуд тадқиқотлар таҳлили бугунги кунда бўлажак шифокорларнинг касбий маънавиятини ривожлантириш бўйича айрим илмий-педагогик зиддиятлар мавжудлигини кўрсатди. Чунончи:

– педагогика фанида ҳар бир бўлажак олий маълумотли мутахассисларда касбий маънавиятни тарбиялаш зарурати ва ушбу масаланин назарий асослари ва амалий методик жиҳатларининг турли соҳалар кесимида ишлаб чиқилмаганлиги;

– тиббиёт амалиёти томонидан юксак касбий маънавиятли шифокорларга талабнинг борган сари ортиб бораётгани билан бу йўналиш бўлажак шифокорларни тайёрлаш назарияси ва амалиётида етарли даражада илмий-услубий таъминланмаганлиги шулар жумласидандир.

Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги шифокорларда юксак касбий–маънавий фазилатларни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш ва тиббиёт олий таълим муассасаларига жорий қилиш заруратини юзага келтирди. Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида тадқиқот мавзусини “Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни тарбиялаш тизимини ривожлантириш” тарзида ифодаладик.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мос равишда: А1-ФҚ-0-40796 – “Миллий ғоя тарғиботи орқали ўзбек менталитетида прагматик ва бунёдкорлик фазилатларини

шакллантириш жараёнларини оптималлаштириш” мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** – бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни тарбиялашнинг инновацион тизимини ривожлантириш бўйича услубий, амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

Олий тиббий таълим муассасаларида бўлажак шифокорларда КМФни ривожлантириш жараёнининг назарий-методологик асосларини ёритиш.

Олий тиббий таълим муассасаларининг бўлажак шифокорларида КМФни ривожлантириш ресурсларини аниқлаш.

Олий тиббий таълим муассасаларида бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш.

Талабаларда касбий-маънавий фазилатларни шакллантиришга хизмат қилувчи педагогик шарт-шароитларни асослаш ва амалиётда синаб кўриш.

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни тарбиялаш жараёнининг маънавий-маърифий таъминотини ишлаб чиқиш.

Олий таълим муассасалари тарбиявий ишлар тизими компонентлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқиш сифатида белгиланди.

**Тадқиқот объекти** сифатида тиббиёт олий таълим муассасаларида кечадиган таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишлар жараёни танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети**ни тиббиёт олий таълим муассасаларида бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Ишда Ўзбекистон Республикасида Олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш, шифокорларни тайёрлашга доир норматив хужжатларни ўрганиш, моделлаштириш, анкета сўровлари, тестлар, кузатув, талабалар фаолиятини ўрганиш, педагогик кузатиш, суҳбат, интеграл диагностика, социометрия, педагогик эксперимент, социологик сўровлар, контент таҳлил, интервью, математик-статистик методлар ҳамда педагогик тажриба-синов ишларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак шифокорлар учун шу кунгача амал қилинган мавжуд маънавий кодекслар компаративистик таҳлили ва педагогик контент-интеграцияси орқали бўлажак шифокорлар касбий-маънавий фазилатлари матрицаси аниқланиб, касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг модернизацияланган механизми ишлаб чиқилган;

касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришга доир касбий компетенцияларни лойихалаш босқичлари, шифокор касби профессиограммасининг таркибий қисмидаги зарурий касбий компетенциялар ва уларни эксперт баҳолаш натижалари рейтинги, компетенцияларнинг интегратив боғланиши, талабаларнинг касбий-маънавий ривожлантиришга оид касбий компетентциялари индикаторлари,



ривожланиш динамикаси, модели, касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш мазмуни ҳамда касбий таълим билан ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган;

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетенциялар тизимини такомиллаштиришга қаратилган “Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш” муаллифлик моделини ишлаб чиқишда шахсга йўналтирилган таълим парадигмасининг гуманизация ва рефлексия тамойилларига асосланган;

бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришни таъминловчи педагогик шарт-шароитлар мажмуи ишни назарий ўрганиш жараёнида асосланган ва уларни амалга ошириш бўйича шифокорларнинг ахлоқий маданиятини ривожлантиришнинг тизимли лойиҳаси тақдим қилинган ва уни ўқув жараёнида жорий этиш учун концептуал тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг ўқув-услубий таъминоти яратилган;

бўлажак шифокорлар, яъни олий тиббий таълим муассасалари талабаларида маънавий-ахлоқий кадриятларни ривожлантиришга хизмат қилувчи “Шифокор маънавияти” номли монография ишлаб чиқилган;

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, “Авлодлар учрашуви” сценарийлари, “Андижон шифокорлари” услубий тарғибот мажмуи ишлаб чиқилган;

бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш бўйича дастурлар, мақсадли тарбиявий тадбирлар сценарийлари, ўз-ўзини такомиллаштиришнинг рефлексив ишланмалари, шунингдек, касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришда мотивация вазифасини бажарувчи “Биографик кейс” ва КМК (Касбий-маънавий кредо) механизмлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога тарихий, фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда олий таълим муассасалари талабаларида маънавий-ахлоқий кадриятларни ривожлантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва хориж олимлари, шунингдек, касбий педагогик фаолиятни ташкил этишга доир тажрибаларга асосланганлиги, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мутафаккирларимизнинг “Ал-адаба” рукнидаги асарлар, Абу Али ибн Синонинг маърифий қарашлари таҳлили асосида тарихий-тиббий мероснинг бўлажак шифокорларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш имкониятларини очиб берилганлиги; тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида касбий-маънавий

фазилатни ривожлантириш мазмуни, “Ўзбекистон шифокорининг Қасамёди” ва “Андижон давлат тиббиёт институтининг одоб-аҳоқ қоидалари” контент-интеграцияси мисолида бўлажак шифокорлар касбий-маънавий фазилатлари матрицаси аниқланганлиги, касбий-маънавий фазилатлар мезонлари, кўрсаткичлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларнинг назарий, тарихий намуналар, ёндашувлар билан бойитилганлиги, касбий-маънавий фазилатларнинг шифокор фаолияти мақсадларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ёритиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш асосида ушбу фазилатлар комплексини педагогик таъминлаш босқичлари, компонентлари, касбий-маънавий фазилатлар параметрларининг аниқлаштирилганлиги, бўлажак шифокорларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга доир маънавий-маърифий ишлар мазмуни, шакли ва технологияларининг такомиллаштирилганлиги, “маънавий тиббиёт” принципи асосида тарихий-тиббий меросни замонавий олий тиббий таълим тизимига татбиқ этишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш” модели Андижон давлат тиббиёт институти касбий таълим тизимига жорий қилинган. Тадқиқот натижалари асосидага тавсия ва таклифлардан олий тиббий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда фойдаланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 июнь, 8-7-10/647-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тиббиёт олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган тарбиявий ишлар касбий-маънавий мазмун билан бойитилган ва бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларнинг мазмуни такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш ва унинг услубий таъминотини кенгайтириш борасидаги таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”ни, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Миллий ғояни ривожлантириш концепцияси ва йўл харитасини ишлаб чиқишда, “Китобхонлик марафони”, “Эзгулик ҳафталиги”, “Меҳрибонлик уйлари” мавзусида ўтказилган тарғибот дастурлари ва режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 17 февралдаги 01/1 15-02-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришга қаратилган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлиги ошган;

бўлажак шифокорларда касбий-маънавий компетенцияларни ва касбий-маънавий фазилатларни инновацион ривожлантиришга оид илмий-амалий

таклиф ва тавсиялардан юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали профессионал кадрлар нуфузини оширишда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги “Нуроний” жамғармасининг 2019-2020 йилларда “Устоз-шогирд” тамойили асосида ўтказилган “Шифокор маънавияти” тарғибот фаолиятларида фойдаланилган (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 07.№02-04/667-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар асосида тadbирлар мазмуни манзиллилик касб этган ва талабалар томонидан касбий-маънавий фазилатларни ўрганиш шарт-шароитлари такомиллашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий-услубий иш, жумладан, 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 4 илмий мақола, шундан 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, 3 боб, 154 саҳифа матн, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар киритилган.

Тадқиқотнинг **“Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни тарбиялашнинг деонтологик асослари”** деб номланган биринчи бобида тиббиёт ходимларида касбий-маънавий фазилатларни тарбиялашнинг фалсафий-педагогик илдизлари, тиббиёт олий таълим муассасасида бўлажак шифокорларнинг касбий-маънавий фазилатларини шакллантиришнинг хусусиятлари ҳамда бўлажак шифокорларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш самарадорлигини таъминловчи педагогик шароитлар асосланади.

Тиббий таълим бўйича Жаҳон Федерациясининг Эдинбург Декларацияси (1988) ҳар бир бемор шифокор сиймосида уни диққат билан тинглайдиган суҳбатдошни, зийрак кузатувчини, самарали шифокорни ва жуда эътиборли инсонни кўриш имкониятига эга бўлиши кераклигини

белгилаб берди. Афсуски, кейинги йилларда шифокор ва бемор мулоқотларида ана шу касбий-маънавий фазилат сусайиб, беморга пассив объект сифатида қараш тенденциялари сезилмоқда. Шифокор бемор билан мулоқотида ундаги кўрқувни камайтириб, масъулиятли қарор қабул қилиш олдидан пайдо бўладиган иккиланишларни бартараф этишига ёрдам бериши, тинчлантириши ва тузалиб кетишига умид бағишлаши керак. Шу сабабли машҳур шифокор В.М.Бехтерев: “Агарда шифокор билан суҳбатдан сўнг бемор ўзини енгил ҳис қилмаса, у шифокор эмас. У шифокорлик касбини ташлаши керак”, – деган эди. Бундан ҳар бир шифокор учун одамларни илҳомлантира олиш – касбий-маънавий фазилат бўлиши шартлиги келиб чиқади.

Тадқиқотчилар Н.В.Кудрявая, Е.М.Уколова, А.С.Молчанов ва бошқалар «Шифокор-педагог ўзгараётган дунёда. Анъаналар ва янгиликлар» деб номланган ўқув қўлланмасида ҳақиқий шифокорларга хос бўлган фазилатлар сифатида, аввало, беморга инсонпарвар муносабатда бўлишни, масъулиятлилик, беғаразлик, ҳақиқатгўйлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, маданиятлилик, ҳамкорлик ва ўз билимларини мунтазам ошириб боришга интилиш фазилатларини келтирадилар. «Замонавий шифокор маҳоратининг кўрсаткичларидан бири – тиббий фаолиятининг маънавий-ахлоқий жиҳати билан боғлиқ, деб ҳисоблашади»

Ижтимоий ҳаёт муносабатларида “қозилик маънавияти”, “муаллимлик одоби”, “ички ишлар ходимининг одоб-ахлоқ қоидалари”, “муҳандис одоби” сингари бир қанча корпоратив, касбий одоб турлари борки, улар жамиятдаги маънавий- ахлоқий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга. Шунга қарамаздан, ҳаётда касбий-маънавий фазилатларнинг зиддини қилиш, оддий одоб доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка ўтиб кетиш, коррупция, кўполлик, бюрократия, кўзбўямачилик каби иллатлар учраб туради. Бўлажак шифокор – талаба балоғатга етган шахс сифатида ўз-ўзини тарбиялаш, ўзидаги ижобий фазилатларни ривожлантириш ва салбий сифатларни камайтира боришга қодир бўлади. Бу ҳақда буюк табиб Абу Али ибн Сино “Инсон токи ўзини майда гап, ўчакиш, жанжал, шикоят, норозилик, оху-воҳлардан озод қилолмас экан, у ифлос ва пастлик табиатидан халос бўла олмайди”, – деган эди.

Бу хулосани замонавий тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди. Тиббиёт институти талабаларида ўқув мотивацияларини ўрганган психолог олима Г.Д.Кулдашеванинг Самарқанд давлат тиббиёт институтида ўтказган тадқиқотида “тиббиёт институти талабаларида ўқув фаолияти мотивациясининг шаклланишида шахс хусусиятлари асосий ўрин эгаллаши; шахсда ўқув фаолияти мотивациясининг барқарорлиги улардаги қизиқиш ва турли қарашларнинг шаклланганлик даражасига боғлиқлиги, ўқув мотивациясининг таркиб топишида шахсдаги ўз-ўзини англаш ва баҳолаш муҳим компонент эканлиги ва ўқув мотивациясининг шаклланишида ижтимоий ва шахсий мотивлар ҳам муҳим омил сифатида кўрсатиб ўтилади”.

Айни вақтда масаланинг аксиологик жиҳати катта ўрин тутди, яъни “...қадриятшуносликнинг асосларини ўргатиш ниҳоятда муҳим. Ана шу сабабдан ҳам умуминсониятнинг кадрлаш меъёрлари борасида тўплаган

ютукларини умумлаштирган билим соҳалари имкониятидан фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигининг асосий мезонларидан биридир”, – деб ҳисоблайди фалсафа фанлари доктори Қ.Назаров.

Бу ҳар бир давлатда мавжуд миллий, тарихий анъаналар ва турмуш тарзидаги фарқларга бориб тақалади. Мисол учун, АҚШда тарбиянинг энг асосий вазифаси – бу миллий ғурур ва давлатпарвар онгни шакллантиришдир. Буюк Британияда тарбия биринчи навбатда анъанавий қадриятларни сақлаб қолиш ва жамиятнинг маънавий асосларини сақлаб қолишга қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш негизлари”**га бағишланиб, унда Абу Али ибн Синонинг маънавий-ахлоқий тарбия хусусидаги қарашлари, маънавий-ахлоқий фазилатларнинг ижтимоий ва касбий фаолиятда тутган ўрни, шунингдек, бўлажак шифокорларнинг касбий-маънавий фазилатларини ривожлантиришга йўналтирилган норматив одоб-ахлоқ қоидаларининг педагогик таҳлили баён қилинади.

Абу Али ибн Сино оламдаги нарсалар, жумладан, инсоний фазилатларнинг ҳам мартабалари уч даражага бўлинишини айтиб ўтган. Яъни олий даража – камолотга эришилиши мумкин бўлган нарсалар; камолотга эришиш етарли бўлмаган нарсалар, ва ниҳоят, ораликдаги нарсалар. Аллома бу билан бундан минг йил аввал инсоний, касбий фазилатларни ҳам ўлчаш, тарбиялаш, ривожлантириш мумкинлигини фалсафий ва назарий педагогик жиҳатлари тамонидан асослаб беради.

Ибн Сино инсонга хос ички гўзаллик ва ички нуқсонларни тақдир азалдан, тузатиб бўлмайдиган хусусият, деб қарамайди, балки бундай сифатларнинг сабабларини топишга интилади: яхши ва ёмон хулқларнинг инсонда пайдо бўлишига ташқаридан қандайдир нарсаларнинг таъсири сабаб бўлади. Бу таъсир салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Салбий таъсир етказувчи нарсаларнинг сабаблари бартараф этилса, инсонда яхши, гўзал хулқларни шакллантириш мумкин. Нафс тарбиясининг мақсади ва моҳияти ҳам худди мана шу нарсаларнинг ечимидадир.

Ривожланган давлатлар таълим тизимларини солиштирганимизда, юқоридаги каби умумий жиҳатлар аниқланди. Тарбиявий қадриятларнинг авангардида фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавиятлилик, маънавий қадриятлар сақланиб қолган. Ушбу қадриятларни сақлаб қолиш ва ўргатиш – таълимга оид сиёсатнинг марказий вазифасидир. Масалан, бу борада АҚШда қабул қилинган қонун (The Student Citizen Act)да замонавий таълим олувчида қандай сифатлар тарбияланиши керак деган саволга жавоб берилади.

Касбий-маънавий фазилатлар ўзида педагогик фаолиятни тартибга солувчи ҳамда таълим соҳасидаги ижтимоий дунёқараш билан педагог фаолияти ўртасида воситачи ва боғловчи бўлиб хизмат қиладиган билиш – ҳаракатли тизим меъёрларини ифодалайди. Педагогик қадриятларни эгаллаб олиш педагогик фаолиятни амалга ошириш жараёнида содир бўлади ва мазкур жараёнда уларнинг субъективлашуви юз беради. Қадриятнинг субъективлашув даражаси шахснинг касбий ривожланиш белгиси бўлиб

хисобланади. Мамлакатнинг ҳақиқий тараққиёти учун барча фуқароларнинг қадриятларини ривожлантириш жуда муҳим ва ушбу мақсадга эришиш учун ўқитувчи муҳим рол ўйнайди, чунки ўқитувчи уларнинг фикрлари ва шахсиятларига таъсир ўтказа олади ва уларни бу фаолиятга жалб қилади.

Тадқиқотчи Ш.Мустафаев бадиий тўғарак раҳбарининг касбий ва шахсий фазилатларига алоҳида тўхталиб, “у ўзида ташкилотчилик, юксак миллий мафкуравий онглилик, тарбия назарияси, услубияти, психологияси билимдони ва амалиётчи, миллий ва маҳаллий маданият, тарихни яхши билувчи, устоз ва нотик бўлиши лозим”лигини таъкидлайди.

Психолог олим Ю.М.Асадов замонавий мутахассиснинг коммуникатив тайёрлиги ҳақида сўз юритиб, ушбу фазилат касбий фаолиятда эмпативликни, хушмуомалаликни, дўстоналикни, ўртоқлик ҳиссини, жамоавийликни ривожлантиради, касбдошлари билан ўзаро муносабатларга тайёрлиги ва қодирлигини, ўзаро муносабатларда кераксиз кескинликларни юзага келтирмасликни, юзага келган қийинчиликни тўғри ҳал эта билишни, ишда, ходимлар, касбдошлари билан муносабатларда муросага келишни кўзда тутуди, деган хулосага келади.

Бўлажак шифокор фаолияти муваффақиятининг яна бир муҳим шартининг нафақат касбий, балки шахсий, маънавий жиҳатдан тайёрлиги ва қодирлиги – тегишли ижтимоий компетенцияларга эгаллиги ҳисобланади. Бунда шифокорнинг маънавий тайёргарлиги дастлабки тайёргарликни фаоллаштирувчи катализатор сифатида иштирок этади. Шунинг учун бўлажак шифокорларнинг тиббиёт институтида касбий фаолияти учун зарур маънавий сифатларини шакллантириш лозим, чунки ўз касбий хулқи ва фаолиятини маънавий бошқара олмаслиги оқибатида ҳатто юксак малакали мутахассисларнинг ҳам кўзбўямачилик, коррупция, жиноят, фирибгарлик, космополитизм, худбинлик, меркантилизм, ҳатто диний экстремизм ғояларига алданиб, ўзига, одамларга, халқига, давлатига қарши ҳатти-ҳаракатлар қилишга олиб келиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди” касбий фазилатларнинг контент таҳлили матнда шифокор касбий-маънавий фазилатларининг масъулият, инсонпарварлик, фидойилик, бағрикенглик, адолатлилик, камтарлик, ҳалоллик, талабчанлик, иродалилик, меҳрибонлик, педагогик маҳорат, устозларни эъзозлаш, касбий-маънавий анъаналарга ҳурмат, садоқатлилик каби маънавий-ахлоқий фазилатлар кластери шаклланган бўлишини шарт қилиб кўяди. Мазкур фазилатлар кластери тажриба-синов ишларида амалга ошириладиган ишлар мазмунининг асосини ташкил қилади. Ушбу маънавий-ахлоқий фазилатлар кластерини “шифокор одоби”, деб аташ мумкин, бироқ одоб асосан шахснинг “одам – одам” муомала тизими билан чекланиши, унинг ишига, ижтимоий бурчларига муносабатини қамраб олмаслигидан келиб чиқиб, касбий-маънавий фазилатлар мажмуи сифатида талқин қиламиз ва айни вақтда уни жаҳон маънавий-ахлоқий стандартларини ўрганиш ва бойитиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Маънавий-ахлоқий контент таҳлил асосида тиббиёт олий таълим

муассасаларида амалда бўлган касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг педагогик платформаси ва унинг мавжуд имкониятлари ўрганилди. Тадқиқот доирасида “Ўзбекистон шифокорининг Қасамёди” ва “Андижон давлат тиббиёт институтининг одоб-аҳоқ қоидалари” контент-интеграцияси мисолида **бўлажак шифокорлар касбий-маънавий фазилатлари матрицаси** аниқланди (1-жадвал) ва бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожланганлигининг мезонлари, диагностика кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Ўрганишлар мазкур ҳужжатлар мазмунининг проектив ва профилактик йўналишга қурилганлигини кўрсатди. Қайд қилинган 43 та фазилат – проектив, яъни ривожлантирилиши кўзда тутилган ва 52 та салбий иллатни бартараф этишнинг педагогик профилактика вазибалари кўзда тутилганлиги аниқланди.

**1-жадвал**

### **Бўлажак шифокорлар касбий-маънавий фазилатлари матрицаси**

<b>Ижобий касбий-маънавий сифатлар<sup>2</sup></b>	<b>Салбий касбий иллатлар</b>
<p><i>фидокорлик, адолатлилик, камтарлик, талабчанлик, меҳрибонлик, педагогик маҳорат, устозларни эъзозлаш, касбий-маънавий анъаналарга ҳурмат, садоқатлилик, ўз масъулиятини ҳис этиш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англаш, ватанпарварлик, халқпарварлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, ирдалилик, иймонлилик, виждонлилик, маънавий иммунитет, ҳамжихатлик, ўзаро ишонч, ҳурмат, бир-бирига ғамхўрлик қилиш, аҳил-иноқлик, ягона жамоа, эътиборлилик, дўстлик, ҳамжихатлик, ҳалоллик, адолат, кийиниш, ўзаро суҳбат одобларига риоя қилиш, наркотик ва психотроп моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиниши, уларнинг тарқатилишига</i></p>	<p>Зўравонлик, беҳаёлик, шафқатсизлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, диний экстремизм, «оммавий маданият», бир шахснинг ҳуқуқини поймол қилиш, бировга тухмат қилиш, ҳақорат қилиш, ахлоқ қоидаларини менсимаслик, диний маросим либосларида институтга келиш, одамлар диққатини тортадиган танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, шунингдек тиззадан юқори қисмлари очик қоладиган ҳамда ҳаддан зиёд тор кийимда ёки диний ибодат либосида, металл занжирлар, тўғноғичлар, танага турли мунчоқлар қадаган ҳолда, спорт кийим ва пойабзалида келиш, миллий ва умумбашарий кадриятларга зид масалаларни Интернет тармоғига жойлаштириш, ноқонуний диний маълумотлар, беҳаё сураатлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб этиш, ҳуқуқбузарлик, жамоа аъзосига маънавий ёки моддий зарар етказувчи маълумот тарқатиш, тан жароҳати етказиш, гиёҳванд моддалар, психотропик воситалар билан шуғулланиш, кашандалик, маиший тинчликка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, қимор ва тавакалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйнаш, ўзганинг шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид ҳолатлар ҳақида тегишли ташкилотларга ўз вақтида хабар бермаслик, профессор-ўқитувчиларга қўполлик қилиш, машғулотлар вақтида асосиз гапириш; профессор-ўқитувчи билан бошқаларнинг баҳосини муҳокама қилиш; ёлғон гапириш, фирромлик ёки профессор-ўқитувчиларни чалғитиш билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатлар</p>

<sup>2</sup>Курсив – Қоидаларда қайд этилмаган фазилатлар. Қалин ёзилган фазилатлар Қасамёдда қайд этилган фазилатлар.

қарши комилликка ҳалол ҳаёт аҳиллик, меҳнатсеварлик, <b>бағрикенглик,</b> <b>инсонпарварлик,</b> ғамхўрлик.	курашиш, интилиш, кечириш, инсонпарварлик, инсонпарварлик, инсонпарварлик.	қилиш; ходимлар ва ўз ўртоқларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш; ёзма ишларни химоя қилиш ва рейтинг назоратига доир бошқа тартиб-таомилларни бажариш вақтида четдан ёрдам олиш, бошқа шахс томонидан тайёрланган топшириқ, ёзма ишларни ўз номидан топшириш; машғулотларни ўтказиб юбориш ёки кечикиб келиш; машғулотлар вақтида профессор-ўқитувчининг рухсатсиз аудиториядан чиқиб кетиш; бошқа талабанинг саъй-ҳаракатларига қасддан зиён етказиш; ўзининг бойлигини турли йўللار билан кўз-кўз қилиш.
---	---	--

Шифокорнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари беморларнинг нафақат тиббий муаммоларини, балки ҳамдардликка, инсоний меҳрга бўлган эҳтиёжларини ҳам қондиради. Шу сабабли бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш талабаларда шифокорлик касбига, касбий масалаларни ҳал қилиш пайтида зарур маънавий-ахлоқий меъёр ва касбий фазилатлар мажмуига нисбатан онгли муносабатни юзага келтиришга йўналтирилган педагогик таъсирларнинг узлуксиз жараёнини тушуниш талаб этилади.

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш зарурати шифокорлик касби билан боғлиқ қатор жиҳатларни инобатга олинишига боғлиқ. Жумладан:

– бўлажак шифокорларда хизмат давомида дуч келинадиган турли салбий таъсирларга нисбатан маънавий иммунитетни шакллантириш, уларнинг онгига юксак ахлоқий, маърифий ва миллий ғурур туйғуларини сингдириш ҳамда Ватанга муҳаббат ва “Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди” га садоқат руҳида тарбиялашнинг ижтимоий буюртма сифатида мавжудлиги;

– талабалар касбий-маънавий тайёргарлигининг меъерий ва мавжуд даражалари ўртасида зиддиятларга урғу берувчи тиббий-деонтологик, педагогик тадқиқотларнинг маълумотлари таҳлили;

– талабалар касбий шаклланишида олий тиббий таълим тизими хусусиятлари ва касбий-маънавий фазилатларни ажратиш кўрсатишга имкон берган тадқиқотлар натижалари;

– касбий таълим ва маънавий тарбия жараёнларини ўзаро боғлайдиган компетенцияларни яхлитликда асослаб берувчи тизим сифатида объектив тасаввур қилиш имконияти мавжудлиги;

– тадқиқ қилинаётган касбий-маънавий тарбия жараёнига тегишли маълумотларни тизимлаштириш, ушбу жараёнга мақсадга йўналтирилган, бошқариладиган тус бериш имкониятининг мавжудлиги.

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари ҳамда олий тиббий таълимда юзага келтириш хусусиятлари ва имкониятларини аниқланиши тадқиқот вазифалари билан мувофиқликда бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг моделини назарий асослаш ва ишлаб чиқилишига туртки берди.



Маълумки, ҳар қандай модель ўзида “тадқиқ қилинаётган объект (ёки кўриниш)га хос схема, физик чизма, белгили шакл ёки формула кўринишидаги сунъий яратилган объект бўлиб, ушбу объект ўртасидаги элементларни структура, хусусият, ўзаро боғлиқлик ва муносабатнинг соддароқ шаклида намоён қилади ҳамда акс эттиради”.

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш модели Ўзбекистон ва дунёда мавжуд илмий-педагогик ёндашув ва концепциялар эришган ютуқларга таянади. Шу боис модель тизимли (Б.Адизов, Н.Эгамбердиева, С.И.Архангельский, В.П.Беспалько, Ю.К.Бабанский, М.Ваҳобов, В.А.Сластёнин), миллий тарбия, маънавий аксиологик кадриятлар (М.Қурононов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, Д.Рўзиева, З.Азимова, К.Д.Ушинский), шахсий-фаолиятга йўналтирилган (Ш.Акрамова, В.И.Андреев, А.К.Маркова, К.К.Платонов) ва компетентлик (Н.Муслимов, М.Уразова, Б.Ходжаев) ёндашувлари уйғунлигида ишлаб чиқилди (1-расм).

*1-расм*

## **БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАРДА КАСБИЙ-МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ**

### **Ижтимоий-сиёсий буюртма:**

“Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди”, халқ саломатлигини сақлаш сифатини ошириш, тиббий хизмат самарадорлигини ошириш

<b>Педагогик мақсад блоки</b>			
<b>Педагогик мақсад:</b> бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш	<b>Вазифалар:</b> бўлажак касбига нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантириш, талабаларнинг касбий-маънавий фазилатларни ташкил қилувчи билим, кўникма, малака ва ижтимоий компетенцияларини технологик таъминлаш.	<b>Тамойиллар:</b> илмийлик, праксиологик, ҳаёт билан алоқадорлик, таълим ва тарбия уйғунлиги, аксиологик, Ватанга содиқлик, субъективлик, рефлексифлик	<b>Ёндашувлар:</b> тизимли, аксиологик, праксиологик, шахс фаолиятига оид, компетентли, муҳитга оид

<b>Маънавий-ахлоқий тарбия блоки</b>			
Талабаларда касбий-маънавий фазилатларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш			
Бўлажак шифокорларда КМФ ривожлантириш жараёнининг мазмуни			
Ўқув фанлари дастури: ўқув режанинг таянч қисмида: «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар», «Маънавият асослари. Диншунослик», «Фалсафа», «Ўзбекистон тарихи». Махсус курслар: «Бўлажак шифокорларда КМФни шакллантириш», «Шифокор маънавияти».	Тарихий ва замонавий витаген тажрибаларга таянган ҳолда талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар режаси	Амалиёт жараёнида бўлажак шифокорларнинг «Инсон-инсон» муносабатлари га киришишларининг педагогик таъминоти	Профессор-ўқитувчилар, гуруҳ мураббийлари, тиббиёт институти жамоат ташкилотлари, «Устоз-шогирд» муносабатлари субъектларини тайёрлашга йўналтирилган дастур

<b>Технологик блок</b>		
<i>Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш шакллари</i>	<i>Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш методлари</i>	<i>Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш воситалари</i>
Аудитория машғулоти ва маънавий-маърифий тадбирлар, инфотейнмент, эдьютейнмент	Анъанавий-меъерий (рағбатлантириш методлари), норасмий-шахслараро (фаоллар, меҳнат фахрийлари, экспертлар билан учрашув), тренинг-ўйинли, рефлексив	Кўрғазмали тарбиявий қўлланмалар, мультимедиа воситалари

<b>Мониторинг блоки</b>			
<i>Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожланганлик мезонлари ва кўрсаткичлари (интеграл диагностика)</i>			
<b>Мотивацион</b>	<b>Когнитив</b>	<b>Операционал</b>	<b>Рефлексив</b>
Бўлажак касбга нисбатан ижобий мотивация ва кадрли муносабат	Маънавий-ахлоқий билимлар тизими	Маънавий-ахлоқий фазилатлар доирасидаги компетенциялар	Ўз касбий-маънавий фазилатларини адекват баҳолай олиши
<i>Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожланганлик даражаси</i>			
<b>Юқори</b>	<b>Ўрта</b>	<b>Паст</b>	
КМФ тўғрисидаги билимларнинг чуқурлиги, касбий фаолиятда улардан фойдаланишга интилишнинг фаоллиги, ўзини ўзи адекват баҳолай олиш, барқарор мотивларнинг мавжудлиги	КМФ тўғрисидаги билимларнинг ўрта даражада мавжудлиги, касбий фаолиятда улардан фойдаланишда четдан ёрдам кутиши, ўзини ўзи баҳолашда иккиланиш	КМФ тўғрисидаги билимларни амалда йўқлиги ёки саёзлиги, касбий фаолиятда улардан фойдаланишга интилмаслик, ўзини ўзи адекват баҳолай олмаслик	

**Натижа:** Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатлар мажмуи ривожланган. Талаба – касбий-маънавий фазилатларга эга ва уларни қўллашга тайёр бўлажак шифокор.

Тадқиқотимиз доирасида касбий ва маънавий кадрларга уйғун равишда бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришга кўмаклашадиган маънавий муҳитга алоҳида урғу берилди. Шу сабабли тарбия жараёнининг яхлитлиги, праксиологик, Ватанга содиқлик, субъективлик, рефлексивлик мақсадга қаратилган блокнинг тамойилларини ифодалайди.

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг асосий жараёни ўқув режадаги ижтимоий-гуманитар фанлар “Фалсафа”, “Ўзбекистон тарихи”, “Диншунослик”, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”, “Фуқаролик жамияти”, “Ўзбек тили”, “Рус тили”, “Тиббиётда хорижий тил”, “Жисмоний тарбия” мазмуни ҳисобланади.

Кафедра ўқитувчилари, гуруҳ мураббийлари, учун тиббий хизмат ходимлари касбий-ахлоқий фаолият меъёрлари мажмуи ҳақида яхлит тасаввурларни шакллантириш мақсадида махсус семинарлар ташкил этилди. Жумладан:

- шифокорларнинг одоб-ахлоқ қоидалари;
- шифокорнинг касбий бурчи, ор-номуси;
- Ўзбекистон Республикаси шифокорларининг Қасамёди;
- шифокорларнинг ўзаро муносабатлари маданияти;
- тиббиёт муассасаларининг асосий ахлоқий тамойиллари;
- тиббиёт муассасаларидаги коррупциянинг асосий сабаблари ва унга қарши курашиш мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Мажмуавий мезон сифатида тўртта компонент: мотивацион, когнитив, операционал, рефлексив блокларни ўз ичига олган касбий-маънавий фазилатлар мажмуи белгиланди. Бунда мотивацион компонент кўрсаткичлари – шифокорлик касбига нисбатан қадриятли муносабат, когнитив компонентнинг кўрсаткичлари эса касбий ўзлаштиришдир. Операционал компонентнинг кўрсаткичлари – шифокорнинг ахлоқий сифатлари шаклланиши бўлса, рефлексив компонентнинг кўрсаткичлари – ахлоқий ўз-ўзини баҳолашдан иборатдир. Уларнинг даврийлаштирилиши олий тиббий таълим муассасасидаги таълим ва маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилиши билан узвий боғлиқлиги ҳар бир босқич олий таълимнинг муайян босқичида амалга оширилади (2-жадвал).

*2-жадвал*

### **Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш босқичлари**

Босқичлар	Мажмуавий мезон компонентлари	Компонент кўрсаткичлари	Босқичларнинг тавсифи	КМФнинг ривожланганлик даражаси
Биринчи босқич	Мотивацион	Шифокорлик касбига нисбатан қадриятли муносабат	КМФга қизиқишнинг намоён бўлиши	Касбий эҳтиёжлар, тасаввурлар
Иккинчи босқич	Когнитив	Касбий ўзлаштириш	КМФ тўғрисидаги билимлар динамикаси	Тушунчалар, тасаввурлар, эҳтиёжлар, билимлар, кўникмалар даражаси
Учинчи босқич	Операционал	Шифокорнинг ахлоқий сифатлари шаклланиши	КМФнинг шаклланиши	Касбий масъулият, бурч, билим, кўникма ва малакалар даражаси
Тўртинчи босқич	Рефлексив	Ахлоқий ўз-ўзини баҳолаш	Талабаларнинг жамоат ишларига киришганлиги, шифокорликка хос КМФни бажаришда иштирок этиши	КМФнинг витаген тажрибага айланиши

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш жараёнини моделлаштириш тиббиёт олий таълим муассасасидаги маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий механизмларини ва асосий мотивацион кадриятларга оид, маънавий-ахлоқий, тиббий фаолиятга доир компонентларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатлар ривожланганлигининг юқорида қайд этилган мезонлари ва кўрсаткичларини ҳисобга олган “Узлуксиз маънавий тарбия” Концепцияси<sup>3</sup>га мурожаат қилиш орқали КМФ ривожланганлигининг даражалари паст, ўрта ва юқори деб белгиланди.

*Паст даража* – бўлажак шифокорда касбий-маънавий фазилатлар тўғрисидаги билимлар паст, касбий фаолиятда улардан фойдаланишга интилиш йўқ, ўзини ўзи адекват маънавий-ахлоқий баҳолаш эҳтиёжи йўқ, касбий-маънавий масъулиятни олишга тайёр эмас.

*Ўрта даража* – бўлажак шифокорда касбий-маънавий фазилатлар тўғрисида қониқарли даражада билимлар бор, бироқ касбий фаолиятида улардан фойдаланишда ташқаридан туртки-устоз, профессор-ўқитувчидан ёрдам кутади, ўз-ўзини касбий-маънавий баҳолашда иккиланади, касбий-маънавий масъулияти етарли эмас.

*Юқори даража* – касбий-маънавий фазилатлар тўғрисидаги билимлари чуқур, касбий фаолиятида улардан фойдаланишга интилади, ўз-ўзини адекват баҳолайди, касбий-маънавий фаолиятнинг барқарор мотивларига эга, ўз-ўзини касбий-маънавий тўғри баҳолайди, касбий-маънавий масъулиятни зиммасига олишга тайёр.

Бўлажак шифокор касбий-маънавий фазилатларининг мажмуавий мезон компонентларини белгилашда талабанинг касбий-маънавий фазилатлар ҳақида билимларга эга бўлиши, уларнинг асл мақсад ва фаолият натижаларини яхши тушуниши ҳамда керакли вазиятларда асосли қўлланиладиган хулқ алгоритмининг асослаш ва педагогик вазиятларда бунинг учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни такомиллаштириш имкониятлари мавжуд бўлиши кўзда тутилди.

Илмий ишнинг **“Тиббиёт олий таълим муассасалари бўлажак шифокорларининг касбий-маънавий фазилатларини ривожлантириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш модели яратилган, тиббиёт олий таълим муассасаларида тарбиявий жараёнларда бўлажак шифокорларнинг касбий-маънавий фазилатларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари дастури ишлаб чиқилган, бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш йўллари очиқ берилган ҳамда ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари баён қилинган.

Тиббиёт тарихи, буюк табиблар тарихи ва фазилатларини ўрганиш, бўлажак шифокорларда касбий маънавий фазилатларни ривожлантириш

<sup>3</sup>«Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси» 2019 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан тасдиқланган.

масаласининг назарий асослари, шунингдек, бўлажак шифокорларда касбий маънавий фазилатларни ривожлантириш модели, ушбу модел самардорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитларнинг аниқланиши бизга тажриба-синов ишларининг мақсади, мазмуни ва вазифаларини белгилаб олишга ёрдам берди.

Тажриба-синов ишларининг **мақсади** – бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг самардорлигини таъминловчи педагогик шартларни амалда синаб кўришни ва баҳолашни назарда тутати.

Тажриба-синов ишлари давомида қуйидаги вазифалар бажарилди:

- бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг бошланғич даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- тарбиявий жараёнга бўлажак шифокорларда КМФни ривожлантиришнинг моделини татбиқ қилиш;
- бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг даража ва кўрсаткичлари динамикасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг самардорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитларни яратиш.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун тажриба-синов ишларининг ташкилий босқичлари: қайд қилувчи, шакллантирувчи ва умумлаштирувчи босқичлари аниқлаб олинди.

Тажриба-синов ишлари учун “Даволаш иши” ва “Педиатрия иши” факультетларининг 641 нафар талабаси жалб қилинди. Тажриба-синов ишлари мазмунидан келиб чиқиб, тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқ тажриба гуруҳлари (323)да тарбиявий ишларни ташкил этишда бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш самардорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитларни яратиш, назорат гуруҳлари (318)да эса стандарт дастур ва анъанавий тарбиявий методларга асосланганлиги билан ифодаланади.

